



Ислом Нури

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар биронтангиз “аттаҳиёт” ва соловотларни айтиб бўлса, Аллоҳ таолодан тўртта нарсадан паноҳ сўраб: “Аллоҳумма инний аъзузу бика мин азаби жаҳаннам ва мин азабил қобр ва мин фитнатил-маҳя вал-мамат ва мин шарри фитнатил-масиҳид-дажжал” десин», дедилар. (Маъноси: Парвардигоро! Мен Сендан дўзах азобидан, қабр азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан ҳамда масиҳи Дажжол фитнасидан паноҳ беришингни сўрайман.)

Шарҳ:

Намоз ўқувчи киши ташахҳудга ўтирса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларига таълим берган «аттаҳиёт»ни ўқиши лозим. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловат айтади, кейин хоҳлаган дуосини ўқийди. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган дуоларни ўқиши афзал, чунки бу дуолар дунё ва охирадаги барча яхшиликларни ўз ичига олган. Баъзи уламолар юқорида зикр қилинган тўртта нарсадан паноҳ сўраш дуосини ўқишни вожиб дейишган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ташахҳуд ва Пайғамбар алайҳис саломга саловат айтиш намознинг рукнларидан.
2. Намозда ташахҳуд ва саловотдан кейин жаҳаннам ва қабр азобидан, дунё ва охира фитнасидан ва дажжол фитнасидан паноҳ сўраш суннат.
3. Намозда салом беришдан аввал дуо қилиш суннат.